



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

“Наманган вилоят Давлатобод тумани 18-сонли ДИМИ”

Директори;

D. Qayumov Д.Қаюмов

Наманган вилояти Давлатобод тумани Ғирвонсой куча №4 уйда жойлашган “Наманган вилоят Давлатобод тумани 18-сонли ДИМИ” ўқув биносини 1-2 қаватини эшик ва деразаларини замонавий АКФА ромларига алмаштириш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Умумий маълумотлар

1.1 . Буюртмачи

“18-сонли ДИМИ”

Манзил:

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,

Наманган шаҳри Давлатобод тумани

Директор:

Д.Қаюмов

1.2. “Давлатобод тумани 18-сонли ДИМИ”нинг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами кўрсатилган хизмат учун 18-сонли ДИМИ ўқув биносига олиб бориб эски дераза ромларни олиб ташлаб ўрнига замонавийсини ўрнатиб бериш хизмати билан 689 217,78 сўм қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада рус тилида келтирилган.

2. Танлов мақсади.

2.1. “Наманган вилояти Наманган шаҳар Давлатобод туман Ғирвонсой кўчасида жойлашган “18-сонли Давлат ихтисослаштирилган мактаб интернати” биносини 1-2 қаватини жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича

3. Танлов шарт шартлари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

4. Ижрочиға бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши, “Наманган шаҳар Давлатобод тумани Гирвонсой кўча 4-уйда жойлашган 18-сонли ДИМИ” ўқув биносини 1-2 қаватини жорий таъмирлаш ишларини бажариши лозим.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар нусхалари;

- Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар тўғрисида маълумот;

- хизмат кўрсатиш учун тегишли идоралардан рухсат олинганлиги тўғрисида ҳужжатлар.

4.4. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;

- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.

Кўрсатилиши лозим бўлган хизмат

Хизмат тури	Хизмат сони
Наманган вилояти Наманган шаҳар Давлатобод тумани Ғирвонсой кўча 4-ўйда жойлашган "18-сонли Давлат ихтисослаштирилган мактаб интернати" ўқув биносини 1-2 қаватини жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича	Жорий таъмирлаш